

Андижон вилоят автомобиль йўллари бош бошқармаси билан "ЙЎЛ-ЛОЙИҲА БЮРОСИ" МЧЖ ўртасида
халқаро аҳамиятдаги автомобил йўлларини 2022 йилда жорий таъмирлаш ишлари тузилган
ШАРТНОМА № 86/2022

Андижон шаҳри

2022 йил 23-июнь

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган Андижон вилояти автомобиль йўллари бош бошқармаси номидан Низоми асосида иш кўрувчи бошлиғи Т.Қараев бир томондан, мағнада кейинги ўринларда "Бажарувчи" деб юритиладиган "ЙЎЛ-ЛОЙИҲА БЮРОСИ" маъсуляти чекланган жамият устави ва 07.01.2022й №8-сонли ишончнома асосида иш юритувчи филиал бошлиғи М.Закиров иккинчи томондан, Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги 670-1-сонли "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонун талабларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 19 майдаги 295-сонли "ЎЗР Транспорт Вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси Низомини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорнинг 3-боб, 13-бўлим, 15-хатбошисига асосан, 2019 йил 9 декабрь кунги ПҚ-4545-сонли қарорнинг 1-иловасига асосан, ҳамда 2017 йил 14 февраль кунги ПҚ-2776-сонли қарорларга асосан, Андижон вилояти ҳудудидан ўтувчи умумий фойдаланишдаги халқаро аҳамиятидаги автомобиль йўлларини жорий таъмирлаш бўйича 20.06.2022-йил №98666-сонли йиғилиш баёнига асосан ушбу шартномани туздилар.

I. ШАРТНОМАНИНГ МАҚСАДИ

1.1. "Бажарувчи" ушбу шартнома шартларига мувофиқ Андижон вилояти ҳудудидан ўтувчи халқаро аҳамиятдаги автомобил йўлларида жорий таъмирлаш ишларини шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган иловага асосан бажариш мажбуриятини олади. "Буюртмачи" эса "Бажарувчи"га бажарилиши лозим бўлган ишлар учун тегишли меъерий ҳужжатлар ва ташкилот меъёрлари асосида тузилган лойиҳа-смета ҳужжатларида кўзда тутилган маблағ тўловини амалга ошириш мажбуриятини олади.

II. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ХИСОБ КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Бажарилиши лозим бўлган ишлар қиймати (барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда)га асосан жорий нархларда 2022 йилда жорий таъмирлаш ишлари учун смета ҳужжатларини тайёрлаш ишларига ҚҚС билан **85 000 000 (саксон беш миллион)** сўмни ташкил этади.

2.2. Бажариладиган ишлар қиймати узил кесил ҳисобланиб, фақатгина ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганида ва форс мажор ҳолатлари сабаб бўлганида қайта кўриб чиқилиб, томонлар ўртасида кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

2.3. Шартнома томонлар ўртасида имзоланиб, тегишли Ғазначилик тизимидан электрон тартибда рўйхатдан ўтиб, жамғарма ҳисоб рақамида маблағ мавжудлигини ҳисобга олиб жорий ойнинг 10 санасига қадар "Буюртмачи" томонидан бажариладиган ойлик иш ҳажмининг 30% миқдоридан олдиндан аванс тариқасида "Бажарувчи"нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.4. "Буюртмачи" томонидан ойлик иш ҳажмлари режасига асосан "Бажарувчи" томонидан тақдим қилинган бажарилган ишлар қиймати тўғрисидаги маълумотномалар асосида 30 банк иш кунида "Бажарувчи"нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.5. "Буюртмачи" охириги тўловни "Бажарувчи" томонидан иш тўлиқ бажариб топширилиб, қабул қилиш-топшириш далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар асосида 30 банк иш кунидан кечикмаган муддатда бироқ 2022 йилнинг 31 декабрига қадар ўтказиб беради.

2.6. Бажарилган ишлар учун тўловлар "Буюртмачи" томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

III. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. "Бажарувчи"нинг мажбуриятлари

Мазкур шартномада илова қилинадиган бажариладиган ишлар маълумотномасига асосан биринчи аванс тўлови тушгандан бошлаб ишларни бажаришга киришади ва ишларни ой якунига қадар бажариб топширади.

Барча ишларни тасдиқланган смета ҳужжатларига мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда "Буюртмачи"га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади.

3.2. "Бажарувчи"нинг ҳуқуқлари

Бажариб берилган иш учун олиннадиган аванс ҳақ тўланишини ва ишни бажариб топширгандан сўнг тўла ҳажмда ҳисоб китоб қилинишини талаб қилиш;

Бажариб берилган ишни қабул қилиб олиш асоссиз равишда рад этилиши натижасида етказилган зарарни қопланишини талаб қилиш;

3.3. "Буюртмачи"нинг мажбуриятлари

Тасдиқланган смета бўйича бажарилган ишларни Автомобиль йўллари қўмитасининг 2003 йил 15 октябрдаги 198-сонли буйруғи асосида "Автомобил йўлларини куриш ва таъмирлаш ишларини қабул қилиш қоидалари" МШН-19-2004 ва бошқа меъерий ҳужжатлар талаблари даражасида қабул қилиб олиш;

Бажарилган ишлар учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

3.4. "Буюртмачи"нинг ҳуқуқлари

"Бажарувчи"дан бажариладиган жорий таъмирлаш ишларини амалдаги халқаро стандартлари ва бошқа меъерий ҳужжатлар асосида бажарилишини таъминлашни талаб қилиш;

Камчиликларни бепул бартараф этилиши ёки камчиликларни бошқа шахс томонидан тўғриланиши харажатларини қопланишини талаб қилиш;

"Бажарувчи"дан шартномада кўрсатилган ишларини лойиҳа ҳужжатлари асосида ишни сифатли бажарган ҳолда қабул қилиб олиш;

“Бажарувчи” томонидан ишлатиладиган материаллар ва асбоб ускуналарни иш хужжатларига мувофиқлигини назорат қилиш;

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажармаса мажбуриятни бажармаган томон иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;

4.2. “Бажарувчи” объектни ўз вақтида топширмаганлиги учун “Буюртмачи”га ҳар бир кечиктирилган кун учун шартнома мажбуриятлари бажарилмаган қисмининг 0,5 %и миқдорида пеня тўлайди. Тўланадиган пенянинг суммаси бажарилмаган мажбуриятлар баҳосининг 50 %идан ошмаслиги керак.

4.3. Аниқланган камчилик ва нуқсонлар “Бажарувчи” томонидан ўз вақтида бартараф қилинмаса “Буюртмачи” тўловларни тўхтатиб, лозим даражада бажарилмаган ишларнинг 20%и миқдорида жарима ундирилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

4.4. Бажарилган ишлар учун “Буюртмачи” томонидан ўз вақтида ҳақ тўланмаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 %и миқдорида пеня тўлайди. Тўланадиган пеняларнинг умумий суммаси кечиктирилган тўловларнинг 50 %и миқдоридан ортмаслиги керак.

4.5. Тўланадиган пеня ва жарималар шартнома мажбуриятларини бузган томон иккинчи томонга ана шу мажбуриятларни бажармаслик оқибатида етказган зарарларни қоплаш жавобгарлигидан озод этилмайди.

4.6. Ушбу шартномада кўзда тутилмаган жавобгарликлар Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги 670-1-сонли “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунининг 25-32 моддлари асосида белгиланади.

V. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ

5.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва бу ҳолатлар шартнома шартларини бажарилишига бевосита таъсир этса томонларнинг жавобгарликдан озод этилиши Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

VI. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ, БЕКОР ҚИЛИШ ВА НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Мазкур шартнома белгиланган шаклда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

6.2. Мазкур шартнома бўйича юзага келиши мумкин бўлган низо ва келишмовчиликлар ўзаро муҳокама йўллари билан хал этилади. Агарда ўзаро муҳокама йўли билан хал этиш имкони бўлмаса, Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Хўжалик суди орқали хал этилади.

VII. ШАРТНОМАНИ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ

7.1. Шартнома томонлар имзолаб, ҳудудий Ҳазначилик тизимидан электрон тартибда рўйхатдан ўтган кундан кучга кириб, 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

7.2. Шартнома 2 нусхада тузилиб, иккала нусхаси ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тенг кучли ҳисобланади.

VIII. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

“БАЖАРУВЧИ”

“ЙЎЛ-ЛОЙИҲА БЮРОСИ” МЧЖ

(иш бажариб берувчининг номи)

Тошкент шаҳри, Мустақиллик شوх
кўчаси, 68-уй Телефон: 237-38-55
Х/р: 2020 8000 8040 1094 1001

АКИБ «Ипотека-Банк»

Яшнобод филиали

МФО: 00959 ИНН: 300 112 785

ОКОНХ: 66000 ОКЕД: 71110

“БУЮРТМАЧИ”

Андижон вилояти автомобиль йўллари бош
бошқармаси

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Андижон ш. А.Йўлдашев кўча 30

Тел./факс 224-10-07 226-88-90

ш/х.р: 304510860034017045151118001

СТИР: 200230895 ОКОНХ: 84112

Ҳазначилик бўлинмаси номи: Ўз Р Молия

Вазирлиги Ҳазначилиги

Ҳазна х/в: 23402000300100001010

Банкнинг номи: МБББ ХККМ

МФО: 00014

Ҳазначилик бўлинмаси СТИР 201122919

Раҳбар:

М.Закиров

Бошлик:

Т. Қараев



Ҳуқуқшунос: